O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
5 апрель
ШАНБА
№ 26
(12.037)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди.

Бу ерда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буён НАТО билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада йўлга қўйилган алоқалар халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби хавфсизликка янги таҳдид ва хатарларга, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашишга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари кейинги етти йил давомида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурининг 400 дан ортиқ тадбирида иштирок этди.

Ўзбекистон илм-фан вакиллари илмий ҳамкорлик доирасида НАТОнинг "Илм-фан орқали хавфсизлик сари" дастурида иштирок этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда юздан зиёд илмий-техник лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти саммитдаги нутқида, "НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда, – деб таъкидлади. – Ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши – СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир". Давлатимиз раҳбари НАТО билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди.

Президент Ислом Каримов саммит қатнашчиларини кенг кўламли халқаро ҳамкорликка, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга чақирди. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳали-ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, ҳеч бир минтақа ёки мамлакат ўзини терроризм хавфидан бутунлай ҳоли, деб ҳисоблай олмайди. Ушбу бало-қазо бирон бир минтақа ёхуд мамлакатга кириб бормаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Президент Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини доимо таъкидлаб келади. Дарҳақиқат, 30 йилдан буён тинчлик нималигини билмай келаётган мамлакатда қурол билан барқарорлик ўрнатиб бўлмайди. Бунда аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган "6+2" мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокара жараёнини қайта тиклашга даъват этди. Ушбу мулоқот гуруҳи Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм эди. Унинг доирасида кўп томонлама дипломатиянинг ноёб тажрибаси тўпланган, мазкур муаммо юзасидан умумий принцип ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Аммо 2001 йилда халқаро коалиция томонидан террорчиликка қарши операция бошлангани муносабати билан мазкур гуруҳнинг фаолияти сусайди.

Ислом Каримов ҳозирги воқеликни ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, "6+2" гуруҳини "6+3" гуруҳига айлантиришни таклиф этди.

Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бир-бири билан узвий боғликдир. Хавфсизлик ҳамкорлик орқали таъминланади, ҳамкорлик эса хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади. Бу жиҳатдан Бухарест саммити қатнашчиларининг фикрлари ҳамоҳангдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.



Мулкдор

ЕР ЭГАЛАРИ САФИДА ЎЗ ЎРНИ БОР

У ЁКИ бу даврада Гўзал Шукурованинг исми тилга олинса, қибрайликлар «Ҳа, у чинакам замонавий фермерлардан» дея таъриф беришади. Бунинг боиси бор. У умр ҳаловатини меҳнатдаги тинимсиз ҳаловатсизликдан излайди.

Вилоятимиздаги фермерларнинг асосий қисми пахтаю ғалла экиш билан кифояланса, Гўзал бу билан қаноатланмайди. Кузатади, ўйлайди. Имкониятларини ҳисоблаб кўриб, янги-янги соҳаларга дадил қўл уради. Мана шу тиниб-тинчимаслиги туфайли обрў ва нуфузи ошиб, ҳаловат топаяпти. Чунки, қўл урган соҳаси борки, муваффақиятга эришаяпти.

Кўп тармоқли «Истиқлол – Гўзал» фермер хўжалигининг 90 гектар ери бор. Шундан 56 гектарида ғалла етиштирилади. 4 гектарига сабзавот экинлари экилади. 3 гектар ўрик, 5 гектар олма боғи бор. Лекин бу ҳаммаси эмас ҳали. 19 гектар майдонда эҳтиёжга қараб озуқа экинлари парвариш қилинади. Ҳа, фермер хўжалигида чорвачилик тармоғи ҳам яхшигина изга тушган. Ҳозир 12 бош қорамол ва 50 дан зиёд қўй боқилаяпти. Шунга яраша ҳар йили аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилади.

Ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва озуқачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг даромади ҳам ҳавас қилса арзигулик. Масалан, 2006 йил 16 миллион сўм соф даромад билан якунланди. Бундан, аввало, хўжалик аъзолари манфаат кўришди.

– Ҳозир аъзоларимиз 22 кишига етди, – дейди фермер. – Бундан ташқари мавсумий ишларга 50-60 кишини ёллаб турамиз.

«Истиқлол – Гўзал» фермер хўжалигининг нуфузини яна шундан ҳам билиш мумкинки, унинг раҳбари Гўзал Шукурова 2007 йилги фаолият якунлари бўйича «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: «Истиқлол – Гўзал»нинг тажрибали чорвадори Раъно Ўтаева.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ОИЛАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмасининг «Металлург» ёшлар ётоқхонаси биносида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

«Ёшлар йили» дастури доирасида амалга оширилаётган бу ҳаракатлар яқин келажакда тизимда меҳнат қилаётган 100 га яқин ёшларнинг уй-жой билан таъминланишига имконият яратди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

2008 йил – Ёшлар йили

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЕТУК АВЛОД ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева билан суҳбат

«Ёшлар – халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи». Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари бугун катта-кичик йиғилишларда бот-бот тилга олиниб, жамоатчиликнинг тобора кенг давраларида аксадо бермоқда. Бу тасодиф эмас, зеро мустақиллик мафкураси ҳаётий нуқтаи назарига айланган, хатти-ҳаракатлари ва интилишлари мезонларини белгилайдиган йигит-қизларгина аниқ мақсадларга интилиб, Ватанимиз куч-қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб яшай оладилар. Биргина Тошкент вилоятида 890 мингдан ортиқ 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўқиб, меҳнат қилиб, ўз эзгу орзу-ниятларига интилиб яшаётганлиги айтилса, имон-эътиқодли, баркамол ёшлар чиндан ҳам бу ҳур мамлакатнинг қудратли таянчи бўла олишларига ишонч ҳосил қиласан, киши.

– Бугунги ёшларимиз ҳаётга, эртанги кун қандай бўлишига бефарқ эмаслар, – деди Шарбат Зулфиқоровна суҳбат ибтидосида. – Уларнинг аксарияти янгиланаётган жамиятимизда кечаётган у ёки бу жараёнлар юзасидан мунозараларда фаол иштирок этиб, ўз нуқтаи назарларини аниқ ифодалаётирлар. Бу биз – катта ёшдаги инсонлар учун жуда муҳим. Зеро, бугунги ўқувчилар, талабалар эртага бизнинг ўрнимизга келадилар, фермер, ўқитувчи, косиб, шифокор, иқтисодчи, менежер, давлат хизматчиси бўлиб, халқимиз, Ватанимизга хизмат қиладилар. Бунинг учун ёшлар ҳар томонлама тайёрланишлари, муайян соҳада чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Биз – катталар эса, уларга билимимиз, тажрибамизни беришдан чарчамаслигимиз лозим.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди...

– Лекин бу ҳозиргача мамлакатимизда бу масалага эътибор етарли эмас эди, деган маънони билдирмайди асло. Аксинча, бу муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодиса мустақил Ўзбекистонда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликни кучайтириш, улар учун имкониятлар доирасини кенгайтиришда янги босқичдир.

Далилларга мурожаат қилайлик. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришган дастлабки йили – 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унда ёшлар масалаларига эътибор, ёш авлодни тарбиялаш ва катта ҳаётга тайёрлаш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш мустақил Ўзбекистон давлатининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида пўлат эритиш ва мартен цехларидан чиқариб ташланган қолдиқ шлакларни қайта ишлаш қизғин тус олди.

ЧИҚИНДИДАН – СОФ ХОМ АШЁ

Чиқиндилар орасидан темир парчаларни ажратиб, қайта ишлаш цехида асосан ёшлардан иборат учта бригада ташкил этилган. Ёшлар мураббийлари Абдубашир Неъматуллаев, Евгений Цой, Элмурод Ҳакимов бошлиқ жамоалар топшириқни ҳамиша ошириб бажараётир.

– Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан йилига 8 минг тоннагача темир парчаларини йиғиб олиш мумкин, – дейди цех бошлиғи Аҳмаджон Узоқов. – Меҳнат унумини ошириш учун барча имкониятларга эгамиз. Бригадаларга экскаватор, бульдозер ва юк машиналари ажратиляпти. Участкада техника хавфсизлиги қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ишчи ёшларимиз ҳимоя воситаларидан якка тартибда фойдаланишлари қаттиқ назорат остида. Яқинда жамоамиз учун алоҳида ювиниш хонаси барпо этилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

КИМНИНГ ТОМОРҚАСИ ЭНГ НАМУНАЛИ?

Вилоят ҳокимлигининг «Кам таъминланган оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишлари учун уларни уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ «Намунали томорқа эгаси» кўрик-танлови ташкил этилмоқда

Бундан асосий мақсад вилоятдаги мавжуд томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, ички бозорларни арзон ва сифатли мева, сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда картошка билан тўлдириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг ўз томорқаларидан самарали фойдаланишларига амалий ёрдам кўрсатишдир.

«Намунали томорқа эгаси» кўрик-танловини ҳар жиҳатдан пухта ва намунали ташкил этишда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, «Қишлоқхўжаликкимё», Марказий банк вилоят бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамкорлик қилишади.

Кўрик танловнинг Низоми ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унга кўра кўрик-танлов «Энг намунали сабзавотчи», «Энг намунали боғбон», «Энг намунали чорвадор», «Энг намунали паррандачи», «Томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этган фидойи маҳалла оқсоқоли» номинациялари бўйича ўтказилади.

Танловлар энг қуйи бўғинлардан бошланиб, босқичма-босқич давом эттирилади ва аниқланган ғолиблар навбатдаги босқичда қатнашиши учун тавсия этиб борилади.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

ВИЛОЯТ ахборот-ресурс маркази ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўқув машғулоти ўтказилди.

МАЛАКА ВА ТАЖРИБА ОШИРИШДИ

Вилоят «Турон» ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилган машғулот икки кун давом этди. Биринчи куни ахборот-кутубхона маркетингининг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусияти, хизматлар ва маҳсулотларни баҳолаш, жамоат билан алоқани йўлга қўйиш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Кейинги кун эса «Шакллантириш даврида АРМ фаолияти: ҳолати, муаммолари, келажаги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Машғулот якунида қатнашчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Хуршида МЎМИНОВА.

СЕРҲОСИЛ БУҒДОЙ НАВЛАРИ

КЕЙИНГИ йилларда мамлакатимизда яратилган маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос келадиган «Чиллаки», «Андижон-1», «Андижон-2», «Дўстлик», «Марс-1» каби юқори ҳосилли буғдой навлари вилоятимиз фермерларининг ҳам эътиборини қозонди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачиликни ривожлантириш бошқармаси билан Россиянинг Краснодар ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлиги айниқса, самарали бўлмоқда. Илмий муассаса селекционерлари яратган «Кума», «Восторг», «Москвич», «Нота» сингари навлардан ҳам юқори ҳосил олинмоқда.

Россиядан уруғлик учун олиб келинган серҳосил буғдой навларидан бир қисми вилоятимиз ғаллазорларида парваришланмоқда.

АВТОМАТЛАШГАН ЛОЙИҲА АСОСИДА

«ФИДО-БИЗНЕС» компаниясининг «Яхлит автоматлаштирилган банк тизими» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти автоматлаштирилган электрон пул жўнатмалари» дастурий маҳсулотлари «Энг яхши дастурий маҳсулот» деб топилди.

Автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими йўналишида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Чирчиқкимёмаш», Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик саноат корхоналарининг иш жараёнлари автоматлаштирилди.

Акбар АЛИЕВ.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ САМАРАДОРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида "Суд экспертизасида ашёвий далилларни тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари" мавзуида идоралараро республика илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар тизимида хизмат қилаётган суд экспертлари ҳамда олимлар иштирок этган тадбирда соҳада эришилган натижалар, тадқиқотларнинг самарали йўналишлари таҳлил этилди.

Анжуманда ашёвий далилларни тадқиқ қилишда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш борасида яратилган усулларни қўллаш истиқболлари масалалари муҳокама қилинди. Бу борада жаҳонда орттирилган тажрибани ўрганиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

ЎзА.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН СЕМИНАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Корхоналарни бошқариш бўйича ўқув маркази Тошкентдаги Буюк Британия Кенгаши офиси билан ҳамкорликда ва БМТРДнинг "Ўзбекистон Бизнес-форуми" лойиҳаси кўмагида "Бизнес самарадорлигини ошириш дастури" мавзуида икки кунлик семинар-тренинг ташкил этди.

Семинарда консалтинг, маркетинг компаниялари, кичик корхоналар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари, ўз ишини бошлашни истаган тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Корхоналарни бошқариш бўйича ўқув марказидан хабар қилишларича, семинар давомида компанияни бошқаришга таҳлилий ёндашиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бизнес-режалар тузиш, реклама ва бизнесни юритишнинг бошқа кўплаб жиҳатлари муҳокама этилди.

ЎзА.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

РЕСПУБЛИКА болалар кутубхонасидаги ахборот-ресурс марказида миллий ғоя тарғиботи масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Республика маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда олимлар, мутахассислар, журналистлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Семинарда ахборот-ресурс марказларида миллий ғояни болалар ва ўсмирлар онгига сингдиришда кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг аҳамияти, бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда таълим муассасалари, кутубхоналар ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига оид маърузалар тингланди.

ЎзА.

ХХI аср ва ДУНЁ

ПАРРАНДА ГРИППИ ТУФАЙЛИ

Маълумотларга қараганда, жорий йилда дунёда 24 киши парранда гриппи вирусини юқтирган ва улардан 19 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, айни вақтда бундай ҳолат асосан Миср, Индонезия ва Вьетнамда кўпроқ учрайди. Мазкур мамлакатларда эпидемия авж олиб бораётгани туфайли фавқулодда чоралар кўрилмоқда: парранда гриппи вирусининг тарқалишига қарши курашнинг стратегик режаси ишлаб чиқилмоқда. Унга мувофиқ "H5-N1" штаммли вирусни юқтирган беморларга алоҳида тиббий ёрдам кўрсатилаётир.

Маълумотларга кўра, 2003 йилдан буён дунёнинг ўн тўрт мамлакатида уч юз саксонга яқин киши парранда гриппи вирусини юқтирган ва қарийб икки юз қирқ нафари ҳаётдан кўз юмган.

ЕВРОПА КЕНГАШИ НИМА ДЕЙДИ?

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Францияда Европа кенгаши конференцияси очилди. Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад электрон жиноятчиликка қарши кураш масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

Кўплаб мамлакатлардан икки юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этаётган мазкур конференцияда Интернет тармоғида амалга оширилаётган турли жиноятчилик ва фирибгарлик ишларини бартараф этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилади. Унда, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан Интернет провайдерлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилади.

ҲАЛОКАТ САБАБЧИЛАРИ

Мисрда автобус ҳалокати рўй берди. Сайёҳларни олиб кетаётган автобуснинг ағдарилиб кетиши оқибатида ҳайдовчи ҳалок бўлди ва ўн тўрт киши оғир жароҳатланди. Бу ҳақда Миср қутқарув хизмати хабар тарқатди. Айни вақтда бахтсиз ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

Бундай фожиаларнинг асосий сабабчилари юк машинаси, микроавтобус ва такси ҳайдовчилари бўлиб, улар тез-тез қоидабузарликларга йўл қўядилар.

ЎзА.

2008 йил – Ёшлар йили

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЕТУК АВЛОД ТАРБИЯСИ

Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар қанчалик изчил бўлганлигини тасаввур этиш учун «Таълим тўғрисида» ва «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида» ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорлари, «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда бошқа муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинганлигини эслатиб ўтиш кифоя. Уларнинг ҳеч бири қоғозда қолиб кетаётгани йўқ. Биргина мисол. Ёш оилаларнинг уй-жой муаммоларини ечиш, зарур рўзғор буюмларини сотиб олишлари учун ўтган йили тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўм миқдорида имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Ҳар қайси давлат, ҳар бир миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусиятлар ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўришни, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашини орзу қилади. Унга мукаммал эришиш, замон кун тартибига кўяётган янги-янги вазифаларни яна ҳам изчил амалга оширишга давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш мақсадида Юртбошимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилди. Бугун 18 ёшгача бўлган болалар аҳолининг 40, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, ёшларга эътибор давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири эканлиги янада ойдинлашади. Бу сиёсатнинг амалий қадамларини Тошкент вилоятидаги ёшлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

– Табиийки, йилимизнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти ёшларга эътиборни яна ҳам кучайтиришни тақозо этади. Жумладан, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам. Шу йўналишдаги ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Бу борадаги ишларга тааллуқли баъзи рақамларни ҳозиргина айтиб ўтдим. Дарҳақиқат, ёш оилалар, уларнинг муаммоларини бартараф этишга эътибор кучайиб бормоқда.

Аввало, меҳнат билан шуғулланиш, оила бюджети даромадларини барқарор ошириб боришлари учун ёшларга имкон яратиш керак. Ўтган йили 195 минг нафар ёшлар иш билан таъминланганлиги бундай имкониятлар доираси кенгайтирилаётганлигини кўрсатади. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначилик, чорвачилик билан шуғулланишга жалб қилиш унинг асосий кўринишларидир. Коллежлар, олий ўқув юртларининг битирувчилари учун янги иш ўринларини барпо этишга ҳам эътибор ортмоқда.

Ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари беришни кенгайтириш учун алоҳида имтиёзлар жорий этилаётир. Мен бу ўринда янги Солиқ кодексида ҳам бундай имтиёзлар кўзда тутилганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бундан буён хўжалик субъектларига муайян солиқ турларини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредити бадалларини тўлаш ёки уй-жой сотиб олиш учун йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилди. Айни пайтда, шахсий уй-жой ёки кўп хонадонли уйда квартира қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган маблағ ҳамда иш берувчи уй-жой сотиб олиш учун берган маблағ ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига кирмаслиги ҳам белгилаб қўйилган. Бу имтиёзлар ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим албатта.

– Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ХДП фракцияси ўз ўрнига эга. Шу муносабат билан бу партиянинг етакчиларидан бири сифатида нималар дея оласиз?

– Фракциямизнинг 28 аъзоси янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, улар муҳокама ва қабул қилинаётганида партиямиз электорати, хусусан, ёшлар манфаатларини изчил ҳимоя қилаётганлигини таъкидламоқчиман. Масалан, ипотека тўғрисидаги қонун қабул қилинаётганида фракциямиз аниқ таклифлар киритиб, уларнинг қабул қилинишига эришди. Депутатларимиз қонун ҳужжатлари, дастурларининг моҳиятини ёшларга тушунтиришда, давлат дастури, қонунлар, қарорлар ва фармонларнинг ижроси устидан жамоат назоратини амалга оширишда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

– Шу билан бирга, – деди суҳбат якунида Шарбат Зулфиқоровна, – партиямиз ёшларнинг айрим муаммолари ҳал этилишида ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билишлари учун, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш мақсадида ЎзХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими машғулотларига жалб этаяпмиз.

Асосий мақсадимиз, шу тариқа, фаол, ғайратли ва ташаббускор ёшларимизнинг янги авлодини тарбиялашни кучайтиришдан иборат.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугуннинг гапи

НОШУД ФЕРМЕРЛАР

ёхуд янгийўллик айрим «заминдор»ларнинг ғаллани суғоришни пайсалга солаётганлари хусусида

Шу кунларда дала айланган киши қишлоқ хўжалигига алоқадор раҳбару мутахассислар, деҳқону соҳибкорларнинг эрта тонгдан то оқшом қоронғисига қадар тиним билмай ишлаётганига гувоҳ бўлади. Буни вазият тақозо этаяпти.

Биринчидан, анчадан буён ёғингарчилик бўлмай, еру экинлар обдон чанқаб қолди. Иккинчидан, ҳарорат борган сари кўтарилиб, экин майдонларида табиий намлик тез қочаяпти. Бундай шароитда уруғлик чигитни имкони борича тез экиб, тупроқнинг табиий намига ундириб олиш чорасини кўрмаган пахтакор кўп нарса ютқазади. Шу боис ҳозир пахта учун ажратилган майдонларда керакли техника воситаларию ишчи кучлари тинимсиз ҳаракатда.

Шунингдек, ҳозир ғаллакорларимизнинг ҳам юмушлари айни тиғиз келган пайт. Зеро, қишнинг қаттиқ совуғи таъсирида ғалла ривожи орқада қолаётгани устига кўпдан буён ёғингарчиликнинг йўқлиги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Мутахассисларнинг тавсияларига қараганда, ғаллакорларнинг бугунги энг муҳим, энг долзарб вазифалари барча майдонлардаги буғдойни қондириб суғоришдан иборатдир. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Фақат мавжуд сув захираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш талаб этилади, холос.

Вазиятни тўғри тушунган фермер хўжаликлари ғаллакорлари айни кунларда буғдойни иложи борича тез ва сифатли суғоришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Янгийўл тумани фермер хўжаликларида ҳам ғаллани тезроқ сувга қондириш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари билан ҳамкорлик янада кучайтирилиб, мавжуд сувни тўғри тақсимлаш ва айниқса, исрофгарчиликка йўл қўймаслик масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ғаллани тез ва ва сифатли суғоришдан ташқари, бегона ўтлардан бутунлай тозалаш айрим майдонлардаги ғўзапоя қолдиқларини юлиб ташлаш, ривожланишдан кўпроқ орқада қолган майдонлардаги ғаллага сувдан олдин қўшимча ўғит бериш каби муҳим ишлар оби-тобида олиб борилмоқда.

Бундай астойдил саъй-ҳаракатни «Дўстлик» фермер хўжаликлари уюшмаси ғаллазорларида ҳам кузатиш мумкин. Уюшма ҳудудида 20 нафар фермер фаолият юритади. Аксарият майдонлардаги ғалланинг ривожи бараавж. Қалин туплаган буғдой бегона ўтлардан, ғўзапоя қолдиқларидан ҳоли.

– Бу яхшику-я, – деди ғаллазорни оралаб чиқиб, уст-бошидаги чангларни қоқатуриб туман ҳокими Наримон Ҳайитқулов. – Аммо, баъзи ношуд фермерларимиз бизни ортиқча ташвишга қўйишаяпти.

Дарҳақиқат, биз «Мерганбой омад», «Ҳамза омад», «Шермат» ва «Раззоқ омад» фермер хўжаликлари ғаллазорларини кўздан кечириб, ҳокимнинг куюнаётгани бежиз эмаслигини тушундик. Аввало, ҳамма ерда дала ишлари қизигандан-қизиб бораётган шу паллада бу хўжаликларнинг ғаллазорларида бирор қимирлаган жонни учратмадик. Қолаверса, ғалланинг аҳволини кўриб, ачинасан киши. Кўпгина майдонлар ғўзапоя қолдиқларидан тозаланмаган. Аксарият майдонлардаги ғалла чанқаб қолган. Айрим жойларда ғаллани бегона ўт босган.

Қаровсизлик шу даражадаки, ички суғориш шахобчалари тозаланмаган. Баъзи ариқлар эътиборсизлик оқибатида кўмилиб кетиб, яроқсиз ҳолга келган. Фермер хўжаликлари раҳбарлари бундай аҳволда ғалланинг суғориб бўлмаслиги ёки бир иложини қилганда ҳам сув уч ҳисса ортиқча исроф бўлишини наҳотки тушунишмайди?

Ушбу нохуш манзаралар акс этган суратларни бирбир кўздан кечирган туман ҳокими аввалига ўйга толди, сўнг астагина деди:

– Газетангизда босмоқчи экансизлар, мен нима ҳам дердим. Балки шуниси маъқулдир. Ердан уялмаган бу ношуд фермерлар зора, элдан уялса...

Ҳокимнинг фикрида жон бор, албатта. Бу бошқа айрим лоқайд фермерларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЯНГИ БОЖ СТАВКАСИ

ВИЛОЯТ ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати бошқармасида республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги «Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорнинг мақсади ва мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган семинар ўтказилди.

Унда вилоят адлия ва давлат солиқ бошқармалари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчиларига юқоридаги қарорга мувофиқ 1 апрелдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасалар, фуқаролар ўртасида, шунингдек, фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, шунингдек, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномани тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида ундирилиши тушунтирилди.

Давлат божи ставкалари резидент ва норезидентлигидан қатъи назар барча юридик ва жисмоний шахсларга бир хилда татбиқ этилади.

Тошкент вилоят корхона ва ташкилотлари ҳамда аҳоли диққатига!

Тошкент вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси вилоят корхона ва ташкилотлари ҳамда аҳолига шуни маълум қиладики, Тошкент вилоят Молия бошқармаси томонидан тасдиқланган 2008 йил 17 март ТВ-08-11-3-2008/1 реестрига мувофиқ 2008 йил 10 апрелдан иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

Улгуржи истеъмолчиларга – 1 Гкал учун ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)сиз 14939 сўм 80 тийин.

Аҳолига:

– марказий иситиш – 1 м² яшаш майдони учун бир ойга 277 сўм 70 тийин;

– иссиқ сув таъминоти – 1 одамга бир ойга 2595 сўм 10 тийин.

Агар иссиқ сув ўлчагич ўрнатилган бўлса:

– иссиқ сувдан меъёрида фойдаланганлик учун – 1 куб. метрга 596 сўм.

Табиий газдан фойдаланувчилар диққатига!

ЁҚИЛҒИ УЧУН 2008 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ЧАКАНА НАРХЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газ учун қўлланилади.

2. Аҳоли томонидан шахсий уй ва квартираларни иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи, иситиш ускуналарининг туридан қатъи назар, беш ойлик иситиш мавсуми учун ҳар ой бўйича белгиланган.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кам ёки кўп муддатга белгиланган бўлса, истеъмолчилар билан фойдаланилган газ учун тегишлича қайта ҳисобкитоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)да иссиқ сув таъминоти учун мўлжалланган иккита ёки ундан ортиқ газ плитаси ёки сув иситгич бор бўлса, ушбу ускуналарга газ сарфи меъёри икки ёки ундан кўпроқ миқдорга оширилади.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда газдан фойдаланганлик учун тўлов ўрнатилган ҳисоблагич ҳамда ушбу прейскурантдаги таъриф бўйича амалга оширилади.

5. Фойдаланилган табиий газ учун тўлов миқдорини белгилашда барча яшовчилар, шу жумладан, вақтинчалик яшаб турганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситиладиган хоналарга, иситиш қурилмалари қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, барча фойдали майдон – яшаш хоналари, ванна, ошхона, йўлаклар ва иситиш асбоблари бўлган бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балкон ва бошқа қўшимча қурилмалар) киради.

7. Прейскурантнинг иккинчи бўлими тарифлари аҳолига етказиб бериладиган табиий газнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган газ сарфи меъёри ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хонанинг меъёри бир киши учун 43 куб. метр миқдорида белгиланган.

Хона учун белгиланган меъёр миқдорида фойдаланилган газ (43м³/одам) ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча фойдаланилган газ учун эса бир ярим ҳисса миқдорида тўланади.

8. Иссиқхона ҳамда оранжереяларни автоном сув иситгич ва қозонлар орқали, якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланиш орқали тандир, қозонлар учун фойдаланилган табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тариф бўйича газ ўлчагичлар йўқ ҳолларда фойдаланилган газ миқдори газ-гарелка қурилмасининг кечаю кундуз тўхтовсиз ишлагандаги энг юқори қуввати ва иситиш мавсуми учун белгиланган шартнома бўйича ҳисобланади.

9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий йўл-йўриқлари», агар қўшимча прейскурантда бошқача ҳолат қайд этилмаган бўлса, кейинги барча қўшимча прейскурантларга тааллуқлидир.

10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг илгари тасдиқланган (2007 йил 28 март реестр №19-03-22-05-РУз-18-2007) нархи ўрнига 2008 йил 1 апрелдан бошлаб жорий этилди.

1. ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК ЮЗАСИДАН АҲОЛИ УЧУН ТАРИФЛАР *)

Т/р	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	250,00
1.2	Газ ўлчагичлар йўқ бўлган овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун аҳолига етказиб берилган газ	-«-	10 м³	432,05
	иситиш учун	-«-	10 м³	200,35

2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ БЎЛМАГАН КОММУНАЛ-МАИШИЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ ТАРИФЛАРИ (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчининг тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф тўлови Йиллик *)	Ойлик
2.1	Марказий (шахсий) иссиқ сув таъминоти бўлган уйларда овқат пишириладиган газ плитаси	Ҳар бир яшовчидан 11,0 м³	5702,45	475,20
2.2	Газда сув иситиш қурилмаси йўқ, марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган уйларда овқат пишириладиган газ плитаси	-«- 15,0 м³	7776,03	648,00
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақтида таъминланадиган уйларда иссиқ сув таъминоти учун газда сув иситиш қурилмаси	-«- 16 м³	8294,42	691,20
2.4	Уй ва квартираларни, газда иситиш қурилмаларининг туридан қатъи назар, якка тартибда иситиш чоғида газдан фойдаланганлик учун беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ойда:	Иситиладиган хонанинг 1 м³ учун		
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти,	Хонанинг 1 м³ига 6,0 м³	600,99	120,20
	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар	Хонанинг 1 м³ига 5,76 м³	577,00	115,40
2.5	Чорва моллари учун дағал хашак ва илдизмевали озуқаларни буғлаш, шунингдек, суғориш ва санитария мақсадларида сув иситиш	бир бош отга 5,6 м³	2903,00	241,92
		молга 23,7 м³	12286,18	1023,85
		қўй (эчки)га 202 м³	1140,59	95,05
		чўчқага 12,5 м³	6480,05	540,00

*) Иситиш учун беш ойга мўлжалланган иситиш мавсуми давомида ҳақ тўланади.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 7

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 18.40, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 13.50, 17.15 «Олтин мерос».
8.50 «Жаҳон Отин Увайсий». В/ф.
9.30, 16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
9.55 «Болалар дунёси».
10.15 «Кўк сичқон ва мушук». М/с.
10.35 «КиноТеатр».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
13.00 «Олам ва одам» дастури: «Фазодаги Эйнштейн».
14.20 «Соҳибқирон». Спектакль.
17.20 «Агар Сиз».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Изҳор».
18.10 «Дунёнинг ишлари». Т/с.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.35 «Одамфурушлар».
21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Виждон». Т/с.

YOSHLAR

15.55 «Аждодлар садоси».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Тасвир ва таассурот».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Болалар боҳори».
17.15 «Темурхон наслига».
17.20 «Зулфия издошлари».
17.30 «Ёшлик баёзи».
17.40 «Соғлик-бойлик».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.20 «Бир само остида».
18.55 «Юрт тинчлиги».
19.30 «Алия». Т/с.
20.10, 20.30 «UzEX хабарлари».
20.15 «Ватаним!».
20.20 «ТВ-банк».
20.40 «Кўклам наволари».
21.00 «Ватан меҳри».
21.10 «Жумонг». Т/с.
21.55 «Телетуҳфа».
22.30 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

18.00 М/ф «Маугли».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Флешка».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.25 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Сериал «Татьянин день».
11.30 Спортивная гимнастика.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Мусиқий тайм».
19.20 «Ким нимага қодир?».
19.50 «Спортлото».
20.00 Баскетбол.
20.40 «Менинг ёрим». Сериал.
21.55 «Жди меня».
22.45 «Бизнес-ревю».
22.55 Еврофутбол.

СЕШАНБА 8

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 18.40, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.45 «Жаҳон Отин Увайсий». В/ф.
9.25, 15.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
9.50 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.30 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
13.55 «Эски альбом».
14.30, 18.10 «Дунёнинг ишлари». Т/с.
15.25 «Интеллектуал ринг».
16.10 «Обод манзиллар».
16.30 «Шахсий фикр».
17.25 «Эзгулик».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Изҳор».
18.50 «Зийнат».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Қишлоқ ҳаёти».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». /SMS/.
23.10 «Виждон». Т/с.

YOSHLAR

6.55 «Аждодлар садоси».
7.00, 17.20 «Мультипанорама».
7.40 «Сув ҳам тугайдими?».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00 «Камолот».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила саёҳат».
11.00 «Kinomaniya».
11.30 «Нафосат олами».
11.40, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Journal».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Ёшлар йили».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Тасвир ва таассурот».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Болалар боҳори».
17.15 «Болалар табассуми».
18.20 «Паноҳ». Т/с.
18.55 «Юрт тинчлиги».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Кўклам наволари».
21.00 «Ватан меҳри».
21.55 «Телетуҳфа».
22.30 «Футбол-2008».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

18.00 М/ф «Маугли».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Химоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Тошкент ҳайвонот боғи».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Радио».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти.
11.40 Спортивная гимнастика.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мир природы». Д/ф.
18.55 «Мусиқий тайм».
19.15 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.35 «Олимп сари йўл».
19.50 «Joker, Superlotto».
20.05 Оғир атлетика.
20.40 «Менинг ёрим». Сериал.
21.50 «Моя свекровь монстр». Х/ф.
23.30 «Бизнес-ревю».
23.40 Футбол.

ЧОРШАНБА 9

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 20.50 «Минг бир ривоят».
7.40 «Болалик қўшиқлари».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.40 «Жаҳон Отин Увайсий». В/ф.
9.20 «Муборак сана».
9.25, 15.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мозий сирлари».
10.00 «Бизнинг кутубхона».
10.10 «Кўк сичқон ва мушук». М/с.
10.20 «Ягона оилада».
10.40 «Қорақалпоқ наволари».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.55, 14.55, 21.35 «Муборак сана».
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
13.55 «Эски альбом».
14.25, 18.10 «Дунёнинг ишлари». Т/с.
15.35 «Оддий ҳақиқатлар».
16.20 «Зийнат».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «2008 йил – Ёшлар йили». «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
